

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

Based on various sources, as well as research by authors from different periods and countries, we tried to trace the long path of evolution of caravanserais in our region. This study is an attempt to summarize scattered information and facts about caravanserais and may be of interest to historians, anthropologists and art historians.

Key words: *Caravanserais, Turkestan General Government, farmstead, warehouse, hotel, trade.*

А. Базарбаев

Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари)

Ўрта Осиё хонликлари даврида ерлар ҳуқуқий эгалик жиҳатдан уч турга бўлинган бўлиб, улар амлок, мулк ва вақф ерлари деб аталган [15: 64; 1: 150–151]. Амлок сўзи ҳуқуқий жиҳатдан давлат ерларини англатган ҳамда давлат ушбу ерларни ижара асосида деҳқонларга берган. Хусусий ерлар ҳуқуқий жиҳатдан мулк деб номланиб, ушбу ерларни сотиш, мерос қолдириш, ҳадя қилиш ва вақф қилиш мумкин бўлган. Хусусий ерлар Бухоро амирлигида “мулк” деб аталган бўлса [18: 23–64], Хива хонлигида “ато-и мулк” деб аталган [17: 308–323]. Учинчи турдаги ерлар вақф ерлари бўлиб, ушбу ерлар хусусий ерларни масжид ва мадрасалар тасарруфига ўтказиш орқали вақф ерларига айлантирилган [10]. Амлок ерларидан фойдаланаётган шахслар уларни ижарага бериши мумкин бўлган, бироқ уни сотиш мумкин бўлмаган. Мулк ерларига эгалик қилувчи деҳқонлар эса ўз ерларини сотиши мумкин эди. Мулк ерлар ўз навбатида солиқ тўлови нуқтаи назаридан 3 турга бўлинган:

1. Мулк-и ҳуррий (ёки ҳурри холис, мулк-и мутлоқ): давлат солиғидан озод этилган ерлар. Ушбу ерлар одатда бирор шахснинг хизматлари эвазига солиқдан озод этилган;
2. Мулк-и ушрий: ушбу ерлардан бутун ҳосилнинг 1/10 ҳисобида солиқ олинган;
3. Мулк-и хирожий: ушбу ерлардан 1/5 миқдоридан 1/2 миқдоригача солиқ олинган.

Шунингдек, аграр муносабатлардаги янги тартиблар Ўрта Осиё хонликлари даврида амалда бўлган ер турларининг ўзгаришига сабаб бўлган. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда амлок (давлат) ва вақф ерлар бир қанча ўзгаришлар билан бўлса-да, сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Бироқ мулк, яъни хусусий ерлар мазкур даврда мавжуд бўлганми ёки йўқми, деган савол очиқ қолмоқда. 1886 йилги Низомда “хусусий ер” ёки “хусусий мулк” деган иборалар учрамайди. “Туркестанские ведомости” газетасининг 1903 йил 47-сонида айнан мана шу масалага бағишланган мақола чоп этилади [8]. “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомнинг 255-бандида маҳаллий ўтроқ аҳолининг ерга нисбатан ҳуқуқи маҳаллий одат асосида доимий ва наслдан-наслга ўтиш орқали эгалик қилиниши, фойдаланилиши ва тасарруф этилиши қайд этилган. Бироқ ушбу Низомнинг 259-бандида аҳолининг ердан фақат фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолиниб, қолган эгалик ва тасарруф этиш ҳуқуқи тушиб қолган. Мақола муаллифи бунга изоҳ бераркан, “европа” ҳуқуқи бўйича эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш мулк маъносини беради, бироқ 259-бандда фақатгина фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган, шунинг учун маҳаллий аҳолининг ер ҳуқуқи чегараланган деб хулоса қилади. Муаллиф маҳаллий аҳолининг ерга бўлган эгалигини тўлиқ мулк ҳуқуқи сифатида қабул қилмасликни маслаҳат беради, чунки бу ерда сув ва ариқлардан фойдаланишда чеклаш мавжуд бўлса (низомнинг 256–банди), ўрмон (низомнинг 257–банди) ва ер ости бойликларидан фойланиш ҳуқуқи умуман мавжуд бўлмаган. У мазкур масалага хулоса қилиб, фойдаланиш ҳуқуқида бўлган тўлиқ мулк ҳуқуқидир деб таъкидлайди [8]. Бунга яқин фикрни Туркистондаги ер ислоҳатларни ўрганган дастлабки хорижлик олим Д.С.М. Виллиамс ўз мақоласида таъкидлаб, 1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғриси”даги Низом кучга кириш натижасида ҳудудда мулк ерлари бекор қилинди, деган фикр билдириб ўтади. У яна шуни айтадики, ер аҳолига бириктириб қўйилган, бироқ Россия империяси қонунларига асосан бу тўлиқ хусусий мулк маъносини англатмаган [19: 429].

Шу билан биргаликда, Туркистон аҳолисининг ўзида ерга эгалик қилишнинг хусусий мулк шакли тўғрисида икки хил фикр мавжуд эди. Биринчи гуруҳдагилар аҳолининг фойдаланишида бўлган ерлар ўша

шахснинг ва авлодининг хусусий мулки деб ҳисоблаган. Иккинчи гуруҳдагилар барча ерлар давлатга таалуқли, аҳоли фақатгина авлоддан-авлодга ўтиш ҳуқуқи орқали ишлов берилган ердан фойдаланади, деб ҳисоблаганлар [5: 172]. Жумладан, Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли Амударё бўлимининг Бийбозор волости аҳолиси ерни ўзининг дахлсиз мулки деб билган. Улар ерга нисбатан ўзларининг ҳуқуқларини шунда кўрадики, улар ҳам аждодларига ўхшаб ерга ишлов беради, суғоради, ўғит солади ва бундан ташқари ер учун солиқ тўлаган. Амударё бўлимининг Шурахон, Давкар, Ишим волости аҳолисида ҳам ерга нисбатан шундай тушунча мавжуд бўлган. Қўнғирот ва Томдиқ волости аҳолиси эса ерга бўлган хусусий мулкни ердан фойдаланиш вақтининг давомийлиги билан боғлайди. Нукус волости аҳолиси эса тўқайлардан ташқари барча ерлар аҳолига қарашли деб ҳисоблайди [5: 173]. Аксинча, Амударё бўлимининг Кўк Узуксой, Навпар, Кегейли, Бешёб, Янгибозор ва Чимбой волости аҳолиси ҳудуд Россия империяси томонидан забт этилгандан сўнг ҳамма ерлар давлат ерлари бўлиб қолди, деб ўйлаган. Ҳатто Бешёб волости аҳолиси ўз ерларини сотиш ҳуқуқи мавжуд эмас деб ҳисоблаган. Навпар волости аҳолиси ҳам шундай фикрда бўлган, бироқ аҳолининг фойдаланиш тасарруфида бўлган ва қадимдан эгалик қилиб келаётган ерини ҳеч ким тортиб олишга ҳаққи йўқ деб тушунган [5: 173]. Амирлик ёки хонлик ва Туркистон генерал – губернаторлиги ҳудудидаги умумий ерларнинг қанча қисми мулк ерларидан иборат эканлигини рақамларда кўрсак, бу борада яққолроқ манзара намоён бўлади. Мисол учун, Бухоро амирлиги даврида Зарафшон водийсининг умумий ер майдонининг 30 фоиз мулки ҳурри холис ерларидан иборат бўлган [2: 38]. XIX асрнинг иккинчи ярмида эса Бухоро амирлигининг Шофирком туманида 21 151 таноп амлок ерлари, 36 256 таноп мулк ерлар, 9938 таноп вақф ерлари ва 18549 таноп “ўлик” ерлар мавжуд бўлган [2: 40]. Фоиз ҳисобида оладиган бўлсак умумий ер майдонининг 42,3 фоиз мулк ерлар, 24,5 фоиз амлок ерлар, 21,6 фоиз ўлик ерлар ва 11,6 фоиз вақф ерлари бўлган. К.К. Пален (1861–1923) маълумотига кўра, Сирдарё вилоятида умумий ернинг 0,02 фоиз, Фарғона вилоятида 0,11 фоиз ва Самарқанд вилоятида 0,02 фоиз хусусий мулк ерлари бўлган.

Туркистоннинг учта вилоятида жами ҳисобда эса умумий ер майдонининг 0,03 фоиз хусусий мулк ерлари бўлган [6: 93].

Россия империясининг саъй-ҳаракатлари натижасида Туркистонда ер билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш тизими ва унинг бошқарув шакли ўзгарди. Ўрта Осиё хонликлари даврида қозилик институтлари ер муносабатларини тартибга солиб турган бўлса, Россия империяси даврида бу жараёнлар мустамлака маъмурияти томонидан назорат қилинган. Бошқача айтганда, ҳатто ер муносабатлари шариат асосида тартибга солиниши давом этаётган бўлса-да, мустамлака маъмурияти бош назоратчи бўлиб қолди. Бу ҳолатда ер муносабатларининг моҳияти хонликлар давридаги ер муносабатларидан кескин фарқ қилган. Яъни, ер муносабатларида даъвогар ва жавобгарнинг ҳуқуқлари деярли ўзгаришсиз қолган бир вақтда, бу мулк ҳуқуқларини тартибга солиб турувчи муассасалар ва уларнинг иш ваколатларида кескин ўзгаришлар рўй берди.

XIX аср охири – XX аср бошларида ердан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш бўйича махсус қонун ҳужжатлари йўқлиги ҳамда мавжуд тартиблар аниқ ва тушунарли эмаслиги сабабли бу тўғрисида аниқ фикр билдириш қийин. Соҳани фақатгина ўша даврда яшаган тадқиқотчи ёки амалдор томонидан ёзилган маълумотлар асосида ўрганиш муҳим. Шунингдек, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича ишларни ўз ичига олган архив ҳужжатлари орқали билиш мумкин. Маълумки, у ёки бу шахс томонидан берилган маълумотлар одатда фақатгина ўша маълумот берувчи шахс нуқтаи назаридан берилиб, унинг фикрларини ифодалайди.

Ўрта Осиё хонликлари даврида маҳаллий аҳолининг шариат ёки маҳаллий одатга асосланган ҳар бир ер туридан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш бўйича ўз тартиблари мавжуд бўлган. Суғорма ерлардан фойдаланиш тартибига доир муносабатлар Россия империяси даврида ҳам деярли ўзгаришсиз амалда қўлланиб келинган. Чунки суғорма ерларнинг маълум бир шахсларга бириктирилган ва уларнинг ердан фойдаланиш ҳамда унга эгалик қилиш ҳуқуқлари ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Шу сабабли, суғориладиган ерлардан олинадиган солиқ миқдори ва солиқ турларида ўзгаришлар содир бўлди, бироқ улардан фойдаланиш ва эгалик қилишдаги ҳуқуқий жараёнларда трансформация юз бермади. Бироқ бу жумлани лалмикор

ер ва жамоа ерларидан фойдаланиш ҳамда унга эгалик қилиш масаласида қўллаб бўлмайди. Чунки ушбу ер турларидан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш кўпроқ ҳуқуқий ҳужжатлар асосида эмас, балки маҳаллий одат ва оғзаки гувоҳлик асосида ишлашга мўлжалланган эди. Мазкур ер турларининг ҳуқуқий ҳужжатлари мавжуд бўлса-да, бу даврда амалга оширилган аграр сиёсат, юзага келаётган янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар бу ер турларидан фойдаланиш ҳамда унга эгалик қилиш масалаларига таъсир этмасдан қолмади. Шу сабабли жамоа ва лалмикор ерлардан фойдаланиш тартибларининг эволюциясини микротарихий таҳлилдан фойдаланиб кўрсатиш мумкин. Чунки бир томондан бу масалаларни тадқиқ қилиш учун фақатгина маълум бир ер муносабатларига доир архив ҳужжатлари мавжуд бўлса, иккинчи томондан микротарих ушбу муносабатларни яққолроқ кўрсатиб бера оладиган илмий тадқиқот усули ҳисобланади.

Ерлардан одатда бир шахс ёки маълум жамоа томонидан биргаликда фойдаланилган. XIX аср охири – XX аср бошларида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишни тасдиқловчи икки хил йўл мавжуд бўлган. Биринчиси, қозилар томонидан берилган васиқа ҳужжатлари бўлиб, у маълум ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини берган. Бундай ҳолда одатда ерлар олди-сотди ёки мерос орқали бир шахсдан иккинчи шахсга ўтган. Иккинчиси ҳужжатга асосланмасдан, балки фақат оғзаки хотира ва гувоҳликка асосланган. Ерга ишлов бериш ва янги ерларни очиш орқали ерга эгалик қилиш мумкин бўлган. Бунда деҳқон ушбу ердан маълум давр давомида фойдаланган, бироқ уни хусусий мулк сифатида олмаган.

Ердан фойдаланиш даври турли ҳудудларда ва турли манбаларда ҳар хил кўрсатилган. Айрим манбаларда бўш ётган ердан фойдаланиш даври 15 йил қилиб кўрсатилган бўлса [14: 1–12], бошқа манбаларда бу давр 90 йил деб ҳисобланган [3: 24]. Агар бир авлод вакиллари маълум давр давомида ерга ишлов берса, ушбу ер мазкур авлод вакилининг мулки ҳисобланган, яъни ҳар бир ер эгаси ўзининг ушбу ерга нисбатан ҳуқуқи ердан фойдаланиш муддатига боғлиқ бўлган. Шундан сўнг ерга бўлган ҳуқуқ худди суғориладиган ерларга бўлган ҳуқуқдек бир хил бўлган. Бошқача айтганда, мулкнинг авлоддан авлодга ўтиши ва олди-сотди орқали бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши қозилик судларининг ҳужжатлари орқали амалга оширилган [3: 24].

Бунда ердан фойдаланувчи қози олдига тўртта қўшнисини олиб келган ва мазкур гувоҳлар уларнинг ерлари мазкур шахснинг ерлари билан чегарадош эканлиги ҳамда бу ер шу шахс томонидан фойдаланиб келинаётганлиги тўғрисида гувоҳлик берган. Шундан сўнг ердан фойдаланувчига ерга эгалик қилувчи ҳужжат берилган. Ушбу шахс аввал ердан фақатгина фойдаланган бўлса, энди эгалик қилиш ҳуқуқини ҳам олган.

Агар айрим ерлардан бир шахс фойдаланган ёки эгалик қилган бўлса, бошқа ерлардан маълум қишлоқ ёки уруғ жамоалари биргаликда фойдаланган. Жамоа ер майдонлари бир нечта майда қисмларга – чекларга бўлинган ва кейин улар қуръа ташлаш орқали жамоа аъзолари ўртасида тақсимланган. Агар жамоа аъзолари ушбу чек ерларида боғ, уй қурган ёки чек ерни девор билан ўраб чиққан бўлса авлоддан авлодга ўтиш орқали эгалик қилиш мумкин бўлган [9: 21]. Бу вазият хусусий мулкнинг бир шакли эканлигини англатмайди. Маълум бир жамоа ёки хонадон аниқ бир ер майдонидан авлоддан авлодга ўтиш ҳуқуқи орқали фойдаланган. Одатда ушбу ер майдони шахснинг ҳовлисига яқин жойда жойлашган ва ер эгаси унга ишлов бериш орқали ўзининг фойдаланиш тасарруфига ўтказган. Шундан сўнг ушбу ер унинг авлоди томонидан наслдан наслга ўтиш орқали фойдаланилган, бироқ уларда ерни сотиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаган. Агар ер эгасининг ўғли бўлмаса ва қизи ердан фойдаланувчи бошқа жамоа вакилига турмушга чиқса, наслдан наслга ўтиб фойдаланиб келаётган бу ердан ажралган ҳамда мазкур ер жамоа тасарруфига ўтган [5: 177].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Жиззах уездида лалмикор ерларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича маҳаллий аҳолининг бир қанча тартиблари мавжуд бўлган. Жумладан, турли баҳсларнинг олдини олиш ҳамда ерга эгалик қилиш мақсадида лалмикор ерлар маълум ер эгаларига ҳужжатлар орқали тасдиқланиб берилган ва натижада бегона шахс ушбу ерга даъво қилолмаган. XIX асрда маҳаллий аҳолининг ҳовлилар рўйхати юргизилган бўлиб, унда лалмикор ер эгаларининг исмлари ҳам кўрсатилиб ўтилган. Жиззах уезди таркибида бўлган Янгиқўрғон қозилик судларининг акт китобларидан шу нарса кўринадики, маҳаллий аҳоли орасида лалмикор ернинг олди-сотдиси мустақил тарзда олиб борилган бўлиб,

мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши қозилик судларининг ҳужжатлари орқали олиб борилган [3: 24]. Суғориладиган ва суғорилмайдиган шудгор ерлар одатда қўрғонлар ёнида жойлашган ва улар маълум хонадон томонидан фойдаланилган. Хўжанд уездининг Совот волостида айрим овул-хонадонлар шудгор майдонларига Ўрта Осиё хонликлари даврида берилган “васиқа” орқали эгалик қилган ва бу ҳужжат ушбу ер тўлиқ уларга тегишли эканлигини билдирган [4: 26]. Суғорилмайдиган шудгор ер одатда ёш оилалар ўртасида ишлов бериш учун тақсимланмаган, бундай холларда эса ёш оила бошлиғи қишки ҳудуд учун қулай ҳайдаладиган ер қидирган [4: 25–26].

Шу билан бирга айрим лалмикор ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи маълум давр давомида бирон шахс томонидан ушбу ерга ишлов бериш жараёнига боғлиқ бўлган. Бу ҳолатда ердан фойдаланиш ҳуқуқи ҳужжатлар орқали тасдиқланмасдан, балки оғзаки хотирага асосланган. XX аср бошларида этнографик тадқиқот олиб борган Н. Вирский (1865–1920), аҳолидан суриштириб шуни аниқлайдики, агар бир авлод вакиллари 90 йил давомида маълум бир лалмикор ерга ишлов берса, ушбу ер мазкур авлод вакилининг мулки ҳисобланган, яъни ҳар бир ер эгаси ўзининг ушбу ерга нисбатан ҳуқуқи ердан фойдаланиш муддатига боғлиқ бўлган. Шундан сўнг лалмикор ерга бўлган ҳуқуқ худди суғориладиган ерларга бўлган ҳуқуқдек бир хил бўлган. Бошқача айтганда, мулкнинг авлоддан авлодга ўтиши ва олди-сотди орқали бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши қозилик судларининг ҳужжатлари орқали амалга оширилган [3: 24]. Бундай тартиб Жиззах уездининг бошқа ҳудудларида ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, Чордор волостига қарашли Сирдарёнинг бўйларида кенг жойлар мавжуд бўлиб, бўш майдонлар ҳудудда деҳқончилик қилиш орқали маълум шахснинг ихтиёрига ўтган [4: 26]. К.К. Пален ҳам ўзининг ҳисоботида уезднинг Чордор волостида лалмикор ерлар бирон шахс томонидан маълум муддат фойдалангандан сўнг унинг мулкига айланганлигини таъкидлайди. Шунингдек, у лалмикор ерлар бирон шахснинг хусусий мулкига айлангандан сўнг уни ижарага бериш мумкин бўлганлигини, бироқ лалмикор ер майдонини сотиш мумкин бўлмаганлигини айтиб ўтади [6: 106].

Суғорилмайдиган пичанзорларнинг кенг тарқалган турлари тўқайли ва дарахтзорли пичанзорлар Сирдарё бўйларида жойлашган.

Ушбу пичанзорлардан маълум жамоа томонидан фойдаланиб, улар ҳар йили пичан ўрилишидан аввал тақсимланган. Жамоанинг пичанзор майдонлари бир нечта майда қисмларга – “чек”ларга бўлинган ва кейин улар чек (қуръа) ташлаш орқали овулнинг бир қанча қариндош гуруҳлари ўртасида тақсимланган. Қуръа ташлаш орқали пичанзор майдонларини олган маълум жамоа гуруҳи пичанзорни биргаликда чегирма қилади ва тайёрланган пичанлар боғлами жамоа аъзолари ўртасида тенг тақсимланади. Пичанзор майдонларидаги ўтнинг мўллиги бўйича фарқ чекда шундай ҳисоб билан бўлинадики, унда ҳар бир хўжалик тахминан бир хил пичан ўрамига эга бўлади. Одатда пичан ўрамларини ҳар бир жамоанинг вакиллари жамоа аъзолари ўртасида тақсимлаган ва унинг ҳисобини юритган. Бунда чекдаги майдонлар кўз билан чамаланган ҳолда бўлинган. Умуман олганда, махсус пичан ўриладиган жойлар (пичанзорлар) аҳолига етишмаган, шу сабабли чорвани ем-хашак билан таъминлаш мақсадида умумий фойдаланишда бўлган яйловлардан ҳам фойдаланилган ва бундай турдаги яйловларда турли хил ўтлар ўсган. Бундай майдонлардан ҳосил йиғишда махсус тартиб мавжуд бўлмаган [6: 106].

Юқорида лалмикор ерлар фақатгина хусусий мулк мақомида бўлмай, балки уларнинг айримлари маълум жамоа томонидан биргаликда фойдаланганлиги кўриб ўтилди. Даставвал, ер муносабатларига оид тарихий жараёнларни тушуниш учун Жиззах уезди ҳудудида XIX аср охири – XX аср бошларида қандай турдаги жамоа мулклари бўлганлиги ҳамда улардан қандай фойдаланил-ганлиги тўғрисида маълум бир мисолларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир [13: 1–3]. Жамоавий мулк тушунчаси фақатгина сувга тегишли бўлмай, балки ерга ҳам тааллуқли бўлган. 20 та уйдан иборат бўлган жамоанинг Соғишмон қишлоғининг Шўрчи мавзесида 35 ботмон ери мавжуд бўлган ва ушбу ер мазкур жамоага тегишли эканлиги тўғрисида қозилик ҳужжати мавжуд бўлган ҳамда бу ер жамоа мулки бўлиб қолган. Аммо мазкур жамоа бошлиғи ерга доир қозилик ҳужжатини йўқотиб қўяди. Натижада, 1889 йилда қози бу ер уларга тегишли эканлиги тўғрисида янги ҳужжат қилиб беради [12: 6]. Бу мисол ушбу жамоа ерларининг юридик ҳужжатлари мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бироқ XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда яна бир турдаги жамоа мулклари бўлганки, улар одатда ҳужжатлаштирилмаган. Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, ер эгалиги фақатгина ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тасдиқланмасдан, балки гувоҳлик ва оғзаки хотира орқали ҳам ернинг ҳуқуқий ҳолати ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин эди. Айнан мана шундай, яъни оғзаки гувоҳлик ва хотирага асосланган ер муносабатларидаги мунозаралар мустамлака маъмурияти даврида юзага кела бошлади. Юзага келган бундай турдаги янги ҳолат аввал юридик ҳужжатга эга бўлмаган, бироқ маҳаллий урф-одатларга кўра ишлаб келаётган ерга эгалик муносабатларини ҳужжатлаштиришни талаб қилди. Маълумки, деҳқончилик билан шуғулланадиган ўтроқ аҳолининг ҳужжатлаштирилган ерлари мавжуд бўлган. Бир вақтнинг ўзида чорвачилик билан шуғулланадиган ҳамда йилнинг маълум бир даврида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрадиган чорвадорларнинг ҳужжатлаштирилмаган ерлари ҳам мавжуд бўлган. Бироқ 1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомда чорвадорларнинг қишлов ерлари уларга бириктирилиб қўйилган. Бошқача айтганда, чорвадорлардан ўзларининг аввалдан фойдаланиб келаётган ерларини ёки яйловларини ҳужжатлаштириш талаб этилмас эди. Лекин бу даврда яна шундай турдаги жамоалар бўлганки, улар маълум бир вақт давомида маълум бир ҳудудда деҳқончилик қилган ҳамда кейинчалик ушбу ерни ташлаб бошқа ҳудудга бориб ўз деҳқончилик ишларини ташкил этган. Бундай турдаги ерлар асосан жамоа тарзида фойдаланилган. Шу билан биргаликда бундай ерларга оғзаки хотира асосида эгалик қилинган ва унинг ўзига хос бир қанча тартиблари мавжуд бўлган. Бироқ мустамлака даврида ушбу тартиблар асосида ишлаш жараёнида қийинчиликлар вужудга келди ҳамда ушбу ерларга оғзаки хотира асосида эгалик қилмасдан, балки уларни ҳужжатлаштириш талаб қилинди. Шу сабабли XIX аср охири – XX аср бошларида бундай ерлар билан боғлиқ бир қанча мунозарали ҳолатлар вужудга келган [11: 1–10].

XIX аср охири – XX аср бошларида жамоа ерлари жамоа аъзолари ўртасида тақсимлана бошланган. 1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низомнинг 260-бандида жамоа ерларини хусусий мулкка ўтказиш мумкинлиги қайд қилиб ўтилган [7: 33].

Шу сабабли, мазкур даврда жамоа ерларининг жамоа аъзолари ўртасида бўлиб олинганлиги тўғрисида бир қанча мисоллар мавжуд. Жумладан, XIX асрда Боғдон волости Учма қишлоғи аҳолисининг 40 таноб лалмикор ери мавжуд бўлган ва улар бу ердан жамоа тарзида фойдаланган. Бироқ, 1890 йилда Учма қишлоғи аҳолиси Жиззах уезди бошлиғига хат ёзиб, ушбу жамоа ерини қишлоқ аҳолиси ўртасида тақсимлашни сўрайди [12: 2]. Ушбу тақсимланган ерлардан аҳоли фақатгина маълум экин экиш учун эмас, балки айримлари иморат қуриб, у ерда яшашни мақсад қилган. Масалан, уезддаги Чашми Об волости Тушбулоқ қишлоқ аҳолисининг лалмикор шудгор ери мавжуд бўлган ва ушбу ер жамоа аҳли томонидан экин экиш учун фойдаланилган. Маълум даврдан сўнг, қишлоқ аҳолиси мазкур экин ерларига иморат солишни хоҳлайди. Шу сабабли, улар ушбу ерни жамоа ўртасида ўзаро тақсимлаб чиқади ва тақсимланган ерларнинг чегарасини аниқ кўрсатиш мақсадида ўз қисмларини девор билан ўраб чиқади [12: 75].

XX аср бошларига келиб жамоа ерларининг тақсимланиш жараёни янада кучайди. Чунки, 1900 йили “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги” Низомнинг янги таҳрири қабул қилинади ва мазкур Низомнинг 263 бандида жамоа ерлари чегаралари бўлак ҳолда кўрсатилиши ва улардан давлат солиқларини ундириш назарда тутилган [16: 58–59]. Бу эса Туркистонда ерларни қисмларга ажратишни тезлаштирди ва мустаҳкамлади [16: 61]. Натижада, жамоа ерлари секин-аста ўзининг чегараларига эга ер бўлакларига ажратила бошланди. Бу мазкур ерлар кимга тегишли эканлиги ва солиқ тўловчи ким эканлигини аниқ кўрсатиб берган. Натижада, мустамлака маъмурияти солиқларни ҳар бир ҳовли ҳисобидан олмасдан, балки ернинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда солиқ солинган [16: 59].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Туркистонда ерга эгалик қилиш ҳужжатлар орқали амалга оширилган бўлса, айрим ерларга оғзаки хотирага таянган ҳолда эгалик қилинган. Бироқ мустамлака даврида оғзаки хотира орқали ерга эгалик қилиш жараёнлари тугатила бошлади. Шунингдек, ерлар фақатгина маълум шахс томонидан фойдаланмасдан, балки айримлари маълум жамоа томонидан фойдаланилган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўлкадаги ер эгалиги ва ундан фойдаланиш одат ва шариат асосида эмас, балки

мустамлака қонунлари бўйича назорат қилина бошланди. Шу сабабли, хонликлар даврида ерга эгалик масалалари қозилик институтлари томонидан тартибга солиб турилган бўлса, XIX аср охири – XX аср бошларида мустамлака маъмурияти томонидан амалга оширилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизов И. XIX асрнинг сўнги чораги – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ҳукуқий ер эгалиги турлари // Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2013. Б. 150–151.
2. Астанова Г. Землевладение и аграрные отношения в Западной Бухаре во второй половине XIX – начале XX в. (по документальным источникам). Ташкент, 1981.
3. Вирский Н.М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакскаго уезда Самаркандской области // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. X. Самарканд, 1912.
4. Материалы по землепользованию туземного кочевого населения района Голодной степи и прилегающих местностей Ходжентского и Джизакского уездов Самаркандской области. Ташкент: 1914.
5. Материалы по обследованию кочевого и оседлого туземного хозяйства и землепользования в Амударьинском отделе Сыр-Дарьинской области. Вып.1. Ташкент, 1915.
6. Пален К.К. материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Часть 1. Санкт–Петербург, 1911.
7. Положение об управлении Туркестанского края. Т.II. Часть 2. Санкт–Петербург, 1886.
8. Права или захват? (К вопросу о поземельной устройстве туземного населения Туркестанского края) // Туркестанские ведомости. 1903. № 47.
9. Савицкий А.П. Поземельной вопрос в Туркестане. Ташкент, 1963.
10. Султонов Ў. Тошкент вақф хўжалигида анъаналар, ислоҳотлар ва муаммолар (XVI – XX аср бошларига оид тарихий ҳужжатлар асосида). Тарих фан. Док. диссертацияси. Тошкент, 2016.

11. ЎзМА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 10-иш.
12. ЎзМА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 133-иш.
13. ЎзМА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 163-иш.
14. ЎзМА, И.21-фонд, 1-рўйхат, 605-иш.
15. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. Санкт–Петербург, 1908.
16. Юлдашев А. Аграрные отношения в Туркестане. Ташкент, 1969.
17. Abdurasulov U. Atā'ī-mulk and Yārlīqlī-mulk: Features of land tenure in Khiva // Der Islam. 2012. №2 (88). P.308–323.
18. Morrison A. Amlākdārs, khwājas and mulk land in the Zarafshan valley after the Russian conquest / Explorations in the social history of Modern Central Asia (19th-early 20th century). Ed. Paolo Sartori. Leiden: Brill, 2013. P.23–64.
19. Williams D. SM. Land reform in Turkestan // The Slavonic and East European review. Vol. 51, No.124. Jul. 1973. P. 429.

А. Базарбаев

Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари)

Ўрта Осиё хонликлари даврида ерлар ҳуқуқий жиҳатдан бир қанча турларга бўлинган. Мазкур даврда мулк ерлар хусусий мулк ҳисобланган бўлса, жамоа ерлари маълум бир аҳоли гуруҳи томонидан биргаликда фойдаланилган. Россия империяси қонунчилиги ўрнатилгандан сўнг ушбу икки ер турида бир қанча ҳуқуқий ўзгаришлар юз берган. Бошқа томондан, ерга доир қонунчилик амалиётга тўлиқ жорий қилинмаган. Бунинг натижасида аҳоли ўзларнинг хусусий ва жамоа ерларидан фойдаланишда муаммоларга дуч кела бошлаган. Бундан ташқари, ушбу ер эгалари ўзларига тегишли ерларни қайтадан ўз номларига ўтказишга тўғри келган. Тадқиқотчи мақолада Ўрта Осиё хонликларида мавжуд бўлган мулк ва жамоа ерлари тақдири мустамлака даврида қандай кечганлигини изоҳлаб беришга ҳаракат қилади. Мазкур мақола ерга доир ушбу жараёнларни тарихий манбалар асосида тадқиқ этишга қаратилган.

Калит сўзлар: *Мулк ерлари, жамоа ерлари, Бухоро амирлиги, Туркистон, ер эгалиги, Низом, ҳужжатлаштириш, ердан фойдаланиш, чек.*

А. Базарбаев

Правовой статус земля собственности и земля общины в Туркестане (19 век – начало 20 века)

Во времена среднеазиатских ханств земли юридически делились на несколько типов. В этот период частная земля считалась частной собственностью, а общинная земля использовалась совместно определенной группой населения. После установления законодательства Российской империи в этих двух типах земель произошел ряд правовых изменений. С другой стороны, земельное законодательство не реализовано в полной мере. В результате население начало сталкиваться с проблемами в использовании своих частных и общинных земель. Кроме того, этим помещикам пришлось вернуть свои земли на свое имя. В статье исследователь пытается объяснить, как складывалась судьба собственности и общинных земель в среднеазиатских ханствах в колониальный период. Данная статья направлена на исследование этих процессов на местах на основе исторических источников.

Ключевые слова: *Земля в собственности, земля общины, Бухарский эмират, Туркестан, землевладение, Постановление, документация, землепользование, проверка.*

A.Bazarbaev

Legal status of private and communal lands in Turkestan (19th century – early 20th century)

During the Central Asian khanates, lands were legally divided into several types. In this period, private land was considered private property, while communal land was used jointly by a certain population group. After the establishment of the legislation of the Russian Empire, several legal

changes took place in these two land types. On the other hand, land legislation had not been fully implemented. As a result, the population began to face problems in the use of their private and communal lands. In addition, these landowners had to transfer their lands back to their names. In the article, the researcher tries to explain how the fate of property and communal lands in Central Asian khanates changed during the colonial period. This article aims to study these processes on the ground based on historical sources.

Key words: *Private land, communal land, the Bukharan Emirate, Turkestan, land ownership, Statute, documentation, land use, check.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути катта илмий ходими.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
5. **Жўраев Жалолиддин Олимжонович –** филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути директори ўринбосари.
8. **Маҳмуд Ҳасаний –** тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

9. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
10. **Турсунов Рустам Миршоҳидович –** мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими.
11. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири.
14. **Якубов Қахрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Наши авторы

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – Младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Джураев Джалолиддин Алимджанович** – доктор филологических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Махмуд Хасани –** доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

9. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, страший научный сотрудник Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Турсунов Рустам Миршахидович –** независимый исследователь, ответственный сотрудник Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан.
11. **Усманов Ибрахим Сабирович** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович –** младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующий отделом Классической восточной литературы Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Akmal M. Bazarbaev** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Djaloliddin A. Djuraev** – Doctor of Philology, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
3. **Filipp R. Khusnutdinov –** Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Ibrahim S. Usmanov –** PhD in History, Associate Professor, doctoral student at the Institute of Current Studies named after Abu Raikhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Khurshid Kh. Azimov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Khushnud A. Abdurasulov** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mahmud Hasaniy** – Doctor of History, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Natalya E. Karimova** – Doctor of History, Professor, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

10. **Qahramon K. Yakubov** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Rustam M. Tursunov –** Independent Researcher, Responsible Employee of the Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Salimakhon N. Eshonova** – PhD in Philology, Senior Research Fellow, Head of the Department of the Classical Literature of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
14. **Surayyo U. Karimova –** Doctor of History, Professor, Deputy Director of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.